Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2022 йил
22 июль,
жума
№ 30 (908)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги учрашувимизнинг барча иштирокчиларини қутлашдан хурсандман.

Ҳурматли ҳамкасбларимнинг сўзларига қўшилган ҳолда, Қирғизистон Президенти муҳтарам Садир Нурғожоевичга самимий қабул ва саммитни аъло даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, Маслаҳат учрашувида илк бор иштирок этаётган ҳурматли Сердар Гурбангулиевични кўриб турганимдан мамнунман.

Бугун бир неча бор таъкидланганидек, ушбу форматда олиб борилаётган мулоқот туфайли дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, минтақамизда мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга муваффақ бўлдик.

Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал этиб келмоқдамиз.

Бу борада кўплаб тўсиқлар бартараф этилди, фуқароларимизнинг эркин ҳаракатланиши, фаол маданий ва сайёҳлик алмашувлари амалга оширилиши учун шароитлар яратилди. Ўзаро савдо ва инвестицияларнинг ўсишига хизмат қилаётган қулай муҳит шакллантирилди.

Фақатгина сўнгги беш йилда минтақа ичида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошди.

Биз саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ҳам киришдик, самарали қўшилган қиймат занжирларини яратмоқдамиз, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантирмоқдамиз.

Энг муҳими — барча ижобий ўзгаришларни бизнинг биродар халқларимиз ҳис этмоқда.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Жаҳондаги минтақамизга бевосита таъсир кўрсатаётган мураккаб вазият бўйича бугун билдирилган фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлайман.

Халқаро тартиботнинг оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган шиддатли трансформация жараёнлари кузатилмоқда. Биз глобал миқёсда мулоқот ва ишонч тақчиллиги тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиб бораётгани натижасида мамлакатларимиз анъанавий логистика занжирлари узилиши билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда, инфляциянинг импорти ортмоқда, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавф-хатарлар бир неча бор кўпаймоқда. Бундай шароитда Маслаҳат учрашувлари формати доирасида кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати янада кучаймоқда.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиман, бутун минтақамизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги жипслигимизга, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар кўришга тайёрлигимизга боғлиқ.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва амалий минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида умумий саъй-ҳаракатларимизни қуйидаги муҳим йўналишларга қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси — иқтисодий йўналиш. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижобий ўсиш суръатларига қарамасдан, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти тўлиқ ишга солинмасдан қолмоқда.

Турли ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда минтақа ичидаги савдо улушига мамлакатларимиз ўртасидаги умумий товар айланишининг 5 фоизидан 10 фоизигача бўлган қисми тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан ўзаро савдони рағбатлантиришнинг янги шакл ва механизмларини фаол жорий қилишни таклиф этамиз.

Товар етказиб беришнинг қоидалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегара ҳудудларида савдо зоналари тизимини яратиш шулар жумласидандир.

Бу борада учинчи мамлакатлардан қиммат ва ҳар доим ҳам сифатли бўлмаган импорт ўрнини ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларимиз маҳсулотлари ҳисобидан тўлдириш бўйича саъй-ҳаракатларни тушуниш ва қўллаб-қувватлаш муҳим.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш яна бир муҳим вазифадир.

Бизнес доираларимиз минтақа мамлакатлари иқтисодиётларининг рақобат нуқтаи назаридан устунликлари ва бир-бирини тўлдириб туришидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларини яратишдан манфаатдор.

Шу муносабат билан саноатни ривожлантириш миллий дастурлари асосида Марказий Осиёда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш маконини шакллантириш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этаман. Бу маҳсулот таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ҳудудлараро тўғридан-тўғри ҳамкорлик борасидаги салоҳиятдан кенгроқ фойдаланиш ва ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Шу билан бирга, минтақанинг инвестиция соҳасидаги умумий жозибадорлигини ошириш учун ягона қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга интилиш зарур.

Қадрли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциясини қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман.

(Давоми 2-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНТАҚАДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 20-21 июль кунлари Чўлпонота шаҳрида бўлди.

21 июль куни Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигидаги саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов иштирок этдилар.

Минтақавий хавфсизликка замонавий хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда чора кўриш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, фаол маданий-гуманитар алмашинувларини давом эттириш мақсадида минтақавий шерикликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу форматда йўлга қўйилган мунтазам мулоқот туфайли Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга муваффақ бўлинганини таъкидлади.

— Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал қилиб келаяпмиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Бу борада кўплаб тўсиқлар бартараф этилди, фуқароларимиз эркин ҳаракатланиши, фаол маданий ва туристик алмашинувлар амалга оширилиши учун шароитлар яратилди. Ўзаро савдо ва инвестицияларнинг ўсишига хизмат қилаётган қулай муҳит шакллантирилди.

Минтақа мамлакатлари саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришди, самарали қўшилган қиймат занжирларини яратмоқда, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантирмоқда.

— Энг муҳими — барча ижобий ўзгаришларни биродар халқларимиз ҳис қилмоқда, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари жаҳондаги мураккаб вазият минтақамизга ҳам бевосита таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Халқаро тартиботнинг оқибатларини прогноз қилиш оғир бўлган шиддатли трансформацияси кузатилмоқда. Дунё глобал миқёсда мулоқот ва ишонч тақчиллиги ортиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳодисалар кучайгани натижасида мамлакатларимиз анъанавий логистика занжирлари узилиши муаммосига дуч келмоқда, инфляция импорти ортмоқда, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизликка хатарлар каррасига кўпайди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Кейинги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида шиддат билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси амалда яққол намоён бўлмоқда. Бунинг натижасини судлар томонидан чиқарилаётган оқлов ажримлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Оқлов

Ноҳақ айбланган ҳамкорлар

суд жараёнида оқланди

Шу ўринда фикримизнинг исботи тариқасида жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судида кўрилган бир жиноят ишига эътибор қаратамиз.

Пойтахтимиздаги "Кўчмас мулк хизматларини кўрсатиш" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Равшан Саидов бундан ўн йил муқаддам аукцион савдоларини ўтказиш билан шуғулланувчи "Realtor Garant Business" масъулияти чекланган жамиятда фаолият юритган. Бироқ ушбу масъулияти чекланган жамиятда ўтказган аукцион савдоси учун орадан қарийб ўн йил ўтиб, жиноий жавобгарликка тортилиши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Р.Саидов билан бирга Мирзо Улуғбек тумани

нида яшовчи Абдуваҳоб Абиловга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилганди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун барчага баробар

Рад этилган иш стажи

суд қарорига биноан инобатга олинди

Бу ҳаётда ҳар бир киши кексалик нафақасини олиб, набиралар қуршовида умргузаронлик қилишни истайди.

Ховослик Абдулҳошим Жуманов ҳам 2016 йил май ойида кексалик нафақасига чиққанди. Унга 26 йилу 11 ойлик меҳнат стажи асосида ёшга доир пенсия тайинланди. Аммо Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ховос туман бўлими томонидан унинг 2014 йил 1 мартдан 2016 йил 1 мартга қадар "Нафс Нур Баракот" масъулияти чекланган жамиятида ишлаган даври инобатга олинмади. Ҳолбуки, А.Жумановга тегишли ГТ-1 3446388 рақамли меҳнат дафтарчасининг 20-21 варақларида ҳақиқатдан ҳам, унинг 2014 йил 1

мартдан 2016 йил 1 мартга қадар "Нафс Нур Баракот" масъулияти чекланган жамиятда ҳисобчи лавозимида ишлаганлиги қайд этилган, ҳатто жамият муҳри билан тасдиқланган. Бундан ташқари Ховос туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2022 йил 23 февралда берилган 15-00419-сонли маълумотномада Ховос туманида фаолият кўрсатган "Нафс Нур Барокат" масъулияти чекланган жамияти ҳақиқатдан ҳам, 2022 йил 16 февраль куни бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси суғурта бадали учун 1.140.133,2 сўм тўлангани маълум қилинган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Конституциявий ислоҳот: хусусий мулк даҳлсиз ва давлат ҳимоясида



Бугун юртимиздаги барча шаҳар ва туманлардан тортиб, маҳалла ва гузарларгача Конституциявий қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Бу жараёнда ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, ёшу кекса фаол иштирок этиб, ўзгартиш ва қўшимча киритилаётган ҳар бир моддага ўз муносабати, таклиф ва тавсияларини билдирмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Хабар

Бизнинг маълумот

2022 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича Республика судлари томонидан 38 077 нафар шахсга нисбатан 29 783 та жиноят иши кўриб чиқилди.

468 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди, судланган шахслар сони 28 736 нафарни ташкил этиб, шундан 8 929 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ва 19 070 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 737 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланган шахсларнинг 25 564 нафари эркак, 5 945 нафари аёл, 11 695 нафари ёшлар (шу жумладан, 971 нафари вояга етмаган) ва 854 нафари 60 ёшдан ошган шахслар.

4 263 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамоқдан озод қилинди, 12 184 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 4 595 нафарига тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди ва 6 707 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

310 нафар шахсга (ёшлар, аёллар ва бошқалар) кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан айрим жиноят турлари, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар, фирибгарлик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, безорилик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш ва талончилик каби жиноятлар учун судланганлик кўрсаткичлари сезиларли даражада ошган.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 7 785 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Етказилган 633 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 4 238 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори

у қачон оширилиши кутилмоқда?

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати доирасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар доирасида пенсионерларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кекса ёшдаги фуқароларга ғамхўрлик кўрсатиш, турли хил оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНТАҚАДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Бундай шароитда Маслаҳат учрашувлари формати доирасида кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати янада ошмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. — Алоҳида қайд этаман, бутун минтақанинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги жипслигимизга, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар кўришга тайёрлигимизга боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти долзарб масалалар юзасидан нуқтаи назарини баён қилди ҳамда кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва минтақада амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди.

Ижобий суръатга қарамасдан, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти рўёбга чиқарилмасдан қолаётгани таъкидланди. Бугун минтақа ичидаги савдо ҳиссасига турли ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги умумий товар айирбошлашнинг 5 фоизидан 10 фоизигача тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан ўзаро савдони рағбатлантиришнинг янги шакл ва механизмларини фаол жорий қилиш таклиф этилди. Товар етказиб беришнинг қоидалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегараолди савдо зоналари тизимини яратиш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини минтақа мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан босишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга чақирди.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш яна бир муҳим вазифадир. Президентимиз индустриал ривожланиш миллий дастурлари асосида Марказий Осиё маҳаллийлаштириш ва импортнинг ўрнини босиш маконини шакллантиришга умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга чақириб, бу маҳсулот таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш ва ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Шавкат Мирзиёев минтақадаги ҳамкорларга яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдирди ҳамда ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини илгари суриш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Иштирокчиларнинг эътибори озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича биринчи навбатда Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ишларни йўлга қўйиш лозимлигига қаратилди.

Шу мақсадда Президентимиз аҳолини мамлакатларимизда етарли ҳажмда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашнинг комплекс схемасини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этди.

Экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Ҳамкорларга эътиборни Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган "Марказий Осиё учун "Яшил" кун тартиби" дастури доирасида иқтисодиётни карбонсизлантириш, муқобил энергетикани ривожлантириш ва ўзаро электр энергияси етказишни ташкил этиш, сув тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий қилиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратиш таклиф этилди.

Президентимиз "яшил тараққиёт" масалаларида Марказий Осиё давлатлари бугун жаҳоннинг етакчи минтақаларидан анча орқада эканини афсус билан қайд этди.

— Мамлакатларимизнинг узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳукуматларда бугун қабул қилинаётган дастурни амалга ошириш бўйича Аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлашни топшириш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Минтақа мамлакатларининг биродар халқларини янада яқинлаштириш мақсадида умумий тарихимизни чуқур ўрганиш, маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш зарур.

Шу маънода, Президентимиз Марказий Осиё маданият, санъат ва кино фестивалини навбатма-навбат ўтказиб боришни таклиф қилди.

Махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, ягона пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантиришимиз лозимлиги таъкидланди.

Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлаш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасидаги минтақавий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

— Алоҳида қайд этаман, минтақа хавфсизлиги бўлинмас ва, энг аввало, шериклигимиз қанчалик самарали йўлга қўйилганига боғлиқ, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу маънода, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикдек анъанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кучайтириб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, кўлами тобора ортиб бораётган Интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хатарлар алоҳида эътиборни тақозо этмоқда.

Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши кераклиги таъкидланди.

Минтақа давлатлари ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшнилари сифатида ундаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзлари манфаатдор бўлишлари лозим, деди Ўзбекистон етакчиси.

Ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга жалб қилиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш муҳим экани қайд этилди.

Президентимиз сўзининг якунида Маслаҳат учрашуви натижалари мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилишига, амалий ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришига кучли суръат бағишлашига ишонч билдирди.

Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон Президентлари ўз нутқларида бундай мунтазам учрашувларнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этиб, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурдилар.

Саммит якунида XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш йўлидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Давлат раҳбарлари Чўлпонота Маслаҳат учрашувининг қўшма баёноти, 2022-2024 йилларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича йўл харитаси, "Марказий Осиё учун "Яшил" кун тартиби" минтақавий дастури ҳамда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепциясини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш асосида яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари долзарб минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғиз Республикасига ташрифи якунланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини илгари суриш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамкасбларимнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан билдирган таклифларини ҳам қўллаб-қувватлайман.

Шу маънода, мамлакатларимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини кафолатли таъминлашнинг комплекс тизимини биргаликда ишлаб чиқиш муҳим, деб ўйлайман. Бу, энг аввало, бошоқли дон, ёғ-мой ва озуқа экинлари, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот, гўшт-сут ва кўплаб бошқа маҳсулотлардир.

Ушбу масалаларда биз, биринчи навбатда, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тизимли ишларни йўлга қўйишимиз лозим.

Иккинчи йўналиш — экология соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик.

Бизнинг "Марказий Осиё учун "Яшил" кун тартиби" дастурини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу дастур доирасида асосий эътиборни иқтисодиётни ис газидан холи қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш; муқобил энергетика, энг аввало, сув, қуёш ва шамолдан электр олишни жадал ривожлантириш, электр энергиясини ўзаро етказиб беришни ташкил этиш; сувни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратишни таклиф этамиз.

Тан олишимиз керак, "яшил тараққиёт" масалаларида биз, афсуски, жаҳоннинг етакчи минтақаларидан анча орқадамиз.

Узоқ истиқболда мамлакатларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳукуматларимизга бугунги кунда қабул қилаётган дастурни амалга ошириш бўйича Аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлашни топшириш зарур.

Гуманитар йўналишда маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида ҳамда умумий тарихимизни чуқур ўрганиш борасида ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни кучайтиришни таклиф этаман. Буларнинг барчаси биродар халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатларимизда Марказий Осиё маданият, санъат ва кино фестивалини навбатма-навбат ўтказиб боришни таклиф қиламиз.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, умумий пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантириб боришимиз лозим.

Шу мақсадда ўзаро туризм оқимларини ошириш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш учун қўшма экспертлар гуруҳини тузишни таклиф этамиз.

Жорий йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ёшлар форумининг самарали якунларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ёшларимизнинг қараш ва интилишлари ўхшашлигига, уларнинг улкан интеллектуал салоҳиятига яна бир бор амин бўлдик. Уларнинг илғор ташаббуслари, креатив ёндашувлари ва стартап лойиҳаларини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Навбатдаги учрашувимизгача Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлашни таклиф этамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Хавфсизлик соҳаси — минтақавий ҳамкорлигимизнинг стратегик йўналишидир.

Минтақавий хавфсизлик бўлинмас ва энг аввало, бизнинг шериклигимиз қанчалик самарали йўлга қўйилганига боғлиқ эканини таъкидламоқчиман.

Шу маънода, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик каби анъанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кучайтириб боришимиз зарур.

Кўлами тобора ортиб бораётган Интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарлар алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этмоқда.

Бугун ушбу таҳдидлар йўлида ҳеч қандай чегара йўқ — улар мобиль телефонлар орқали кириб келмоқда.

Афсуски, Ўзбекистонда яқинда рўй берган фожиали воқеалар бизнинг режаларимизни бузишга, минтақамизда беқарор вазиятни вужудга келтиришга уринаётган бузғунчи кучлар мавжуд эканини яна бир бор тасдиқлади.

Шу муносабат билан ушбу йўналишларда минтақа мамлакатларининг Хавфсизлик кенгашлари ва махсус хизматлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши керак.

Биз ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшнилари сифатида бу заминдаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзимиз манфаатдор бўлишимиз лозим. Мазкур муаммо халқаро ҳамжамият томонидан қандай қабул қилиниши ҳам кўп жиҳатдан айнан бизга боғлиқ.

Шунингдек, ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақамиздаги иқтисодий жараёнларга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш тарафдоримиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги саммитимизнинг энг муҳим натижаси, ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарор тараққиёти йўлида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилинаётганидир.

Ҳамкасбларимнинг фикрларига қўшилган ҳолда, Маслаҳат учрашуви натижалари мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади, амалий ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун кучли суръат бағишлайди, деб ишонч билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Хабар

Бизнинг маълумот

◀ (Бошланиши 1-бетда)

11 696 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 39,3 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида 7 233 нафар шахсга нисбатан 5 320 та жиноят иши кўриб чиқилди. 526 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 2 165 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 3 441 нафар шахсга нисбатан 3 172 та жиноят иши кўриб чиқилди. 553 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 275 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Шунингдек, кассация инстанциясида 119 нафар шахсга нисбатан 105 та жиноят иши такроран кўриб чиқилди. 69 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 42 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

* * *

Шунингдек, 2022 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 296 444 нафар шахсга нисбатан 248 137 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилди.

186 288 нафар шахсга нисбатан жарима, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш, муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоққа олиш ва чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш каби маъмурий жазолар қўлланилди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг аксариятини ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши, йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши, солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, майда безорилик, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ва ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ташкил этади.

Шу билан бирга транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича 16 907 нафар шахсга нисбатан 16 760 та иш кўриб тамомланган. Шундан 16 415 нафар шахсга нисбатан жарима, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва маъмурий қамоққа олиш каби маъмурий жазолар қўлланилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг 62 194 таси ёки 25,1 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида 6 003 нафар шахсга нисбатан 5 096 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. 1 545 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 1 504 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 698 нафар шахсга нисбатан 640 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. 162 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 81 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси

Оқлов

Ноҳақ айбланган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбловга кўра, Абдуваҳоб Абилов 2012 йил январь ойида Суд департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси собиқ бошлиғи Ж.Туломов (марҳум), "Realtor Garant Business" масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Мирахмедов (марҳум) ва жамият аукциончиси Р.Саидов билан ўзаро жиноий тил бириктирган.

Аниқроқ айтганда, "Gabus" масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилган ҳамда Суд ижрочиларининг Миробод тумани бўлими томонидан жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарни қоплаш учун хатланган Миробод тумани Т.Шевченко кўчаси 38-уйда жойлашган 947 метр квадрат ҳажмдаги нотурар жойнинг арзон нархга баҳоланганини олдиндан билган ҳолда уни аукцион савдоси орқали ўзларига таниш бўлган шахслар кўмагида сотиб олиб, кейинчалик қимматроқ нархга сотишни кўзлашган. Ушбу жиноий режани амалга ошириш мақсадида суд ижрочиларининг Миробод тумани бўлими бошлиғи Т.Ахметов, бўлим суд ижрочиси Б.Толибов, ХОАТБ "Туркистон" бош офиси бўлими бошлиғи А.Таштаев, унинг укаси Р.Рихсибоев, "Magna Trade" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Рихсибоев, "Bethil-Techtrans" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Маҳмудовларни жалб қилишган. Сўнгра "Realtor Garant Business" масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Мирахмедовга 2000 АҚШ долларини пора тариқасида беришган. Натижада 2012 йил 26 январь куни ўтказилган аукцион савдосида "Magna Trade" масъулияти чекланган жамиятининг ғолиб бўлишига эришишган.

Тергов органи томонидан Равшан Саидов юқорида қайд этилган аукцион савдоси баённомаларини сохталаштириш ва А.Абиловни масъулияти чекланган жамияти раҳбари М.Мирахмедовга 2000 АҚШ долларини пора тариқасида беришига далолат қилганликда айбланган.

Бироқ суд жараёнида ҳар иккала судланувчи ноҳақ айблангани аён бўлди. Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига мувофиқ, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим. Мазкур қонун талабидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, жиноят иши ҳужжатларида Абдуваҳоб Абилов ва М.Мирахмедов ўртасида 2000 АҚШ доллари миқдорида пора олди-бердиси бўлганлигини тасдиқловчи объектив далиллар мавжуд эмас. Қолаверса, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган бирор-бир гувоҳ буни тасдиқламаган.

Ҳатто А.Абилов ва Р.Саидовни юзлаштириш тергов ҳаракати давомида ҳам пора бериш ёки пора беришга далолат қилиш ҳолати ўз тасдиғини топмаган. Ваҳоланки, бундай ҳолатда дастлабки тергов органи пора олиш-бериш ёхуд унга далолатчилик қилиш жиноятини қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали текшириши лозим эди. Аммо айнан қонуний йўл тутиш ўрнига Абдуваҳоб Абилов ва Равшан Саидов фақатгина тахмин ҳамда фаразларга асосан Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят содир этганликда айбдор деб топилган.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири томонидан 2014 йил 24 июнь куни тасдиқланган "Порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, бу тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда қонун талабларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича Қўшма кўрсатма"нинг 8.3-бандига биноан, айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олиш мақсадида арзнинг ёки айбига иқрорлик кўрсатмаларининг ҳаққонийлиги, ихтиёрийлиги, ҳар қандай тазйиқлардан холилиги синчковлик билан текширилиши ҳамда айбига иқрорлик кўрсатмалари объектив далилларсиз, шахснинг айбини исботловчи "устун" далил сифатида эътироф этилишига йўл қўйилмайди.



Қонун ижодкорлиги

Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори

у қачон оширилиши кутилмоқда?

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Маълумки, пенсия тизими ижтимоий соҳанинг муҳим таркибий қисмидир. Шуни инобатга олган ҳолда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 54-мақсадида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг пенсия миқдори мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб бориши ҳамда фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилмасдан идороларарo электрон маълумот алмашинуви асосида пенсия тайинлаш тизимига ўтиш белгиланган.

Бугунги кунда ушбу вазифалар изчиллик билан амалга оширилиб, кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Жорий йилнинг ўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонунга бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, фуқароларни ортиқча оворгарчиликдан халос этиш мақсадида 2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида қўшимча тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан белгиланиши кўзда тутилди.

Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра, рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланиши ва тўланиши, ишловчи фуқаролар ишламайдиган турмуш ўртоқларига келгусида пенсияга чиқишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши каби илғор нормалар ҳам қонунда ўз аксини топди.

Шунингдек, уч йил ва ундан аввал тайинланган пенсияларнинг текширилишига йўл қўйилмаслиги ва аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтидаги қўшиб ҳисобланадиган иш стажини уч йилдан олти йилга ўзгартириш каби янгиликлар пенсия тизими ислоҳотидиги муҳим қадамлар бўлди.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонунга ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида навбатдаги ўзгартиришлар киритилди.

Яъни 2023 йилнинг 1 январидан ёшга доир, ногиронлик пенсияси ҳамда чин етим болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш хақининг энг кўп миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача ошириш белгиланмоқда. Содда қилиб айтганда, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инобатга олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 3 240 000 сўмдан 3 888 000 сўмга оширилмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бу янгилик пенсионерларга қандай манфаат келтиради?

Биринчидан, 352 минг нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинади. Демак, ушбу ўзгариш доираси умумий пенсия олувчиларнинг 9,5 фоизини, яъни ўртача ойлик иш ҳақи 3 240 000 сўмдан юқори бўлган фуқароларни қамраб олади.

Натижада ёшга доир пенсиялар 399 020 сўм, ногиронлик пенсияси 356 600 сўм, боқувчисини йўқотганлик пенсияси 289 241 сўмгача оширилади. Шуниси аҳамиятлики, пенсия ҳисоблашнинг янги тартиби нафақат 2023 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқувчилар, балки ундан олдин тайинланган пенсияга нисбатан ҳам тадбиқ қилинади.

Иккинчидан, қонун лойиҳаси иш ҳақи миқдори, иш стажи ва пенсия миқдори ўртасидаги узвий боғлиқликни кучайтиради, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бунда юқори иш ҳақи олган, кўпроқ ижтимоий солиқ тўлаган фуқароларнинг каттароқ пенсия олиш имконияти пайдо бўлади. Иш ҳақи ва пенсия ўртасидаги тафовут камаяди ва пенсия олувчи фуқароларнинг моддий фаровонлиги яхшиланади.

Мухтасар айтганда, қонунларимизда шундай халқчил нормаларларнинг акс этиши аҳоли манфаатларига хизмат қилади.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Умумхалқ муҳокамаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий комиссия аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари янги нормаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка батафсил тушунтирмоқда.

Жойларда бўлиб ўтаётган мулоқотларда фуқаролар янгиланган Конституция юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши зарурлигини таъкидлашмоқда. Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун муҳим фикр ва таклифлар билдирилмоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, халқимизнинг мамлакат тақдирига, тараққиётига тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, ҳалол эркин рақобатни, барча мулк шакллари ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда муҳофаза қилинишини кафолатлаши, хусусий мулк дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши назарда тутилмоқда.

Бу давлат иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг уйғун ҳолда ривожлантирилиши учун шарт-шароитлар яратиб, иқтисодий ресурсларнинг адолатли равишда тақсимланишини, тадбиркорлик тараққиёти учун қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни, шарт-шароитларни таъминлайди, деган маънони англатади.

Шу маънода бундай ёндашув Янги Ўзбекистон иқтисо-

Конституциявий ислоҳот:

хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида

нақадар чуқур дахлдорлик ҳиссси билан муносабатда бўлаётганини англатади. Фуқаролар бераётган таклифларнинг барчаси асосли ва муҳим. Шу боис, улар пухта ўрганилиб, сараланиб, Асосий қонунимиз мазмун-моҳиятига сингдирилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятидаги учрашувлар чоғида фуқаролар "снос" масаласида ўз фикрларини билдириб, буни Конституциявий даражада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлашди. Нега деганда, ушбу масала кўп йиллар давомида одамларни ўйлантириб, ташвишга солиб келди.

Бундай ҳолатга бутунлай барҳам беришнинг ягона йўли, шубҳасиз, уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйишдир. Бу билан суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмайди, агар иморат бузилишга тушадиган бўлса, аввал унинг қийматига мос равишда компенсация тўланади.

Конституциявий қонун лойиҳасида фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилаётгани минг-минглаб юртдошларимизнинг дилидаги гап бўлди.

Яна бир муҳим масала: Бош қомусимизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий фаолият, диётини янада эркинлаштириш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини бундан кейин ҳам самарали давом эттиришидан далолат беради.

Шу каби чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, мақсади мулк ҳуқуқининг кафолатини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга қаратилган. Қолаверса, бу фуқароларнинг мулкдор сифатида ўз ҳуқуқларини яхши билиши ва ҳимоя қила олиши қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Натижада тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолиятининг йўналишини мустақил равишда танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли бўлади. Тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти эса, янада ортади.

Ҳақиқатан ҳам, тадбиркорга имконият яратилса, у бизнесини кенгайтиради, янги ишчи ўринлари яратади ва ишсизликнинг олдини олади. Унинг кайфияти, интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, ҳаётга муносабати бошқача бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бугун хусусий мулксиз, унинг ишончли кафолатисиз, кучли ижтимоий давлатни қуриб бўлмаслиги кундек равшанлашмоқда. Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур конституциявий кафолатларнинг кучайтирилиши энг муҳим қарордир. Зотан, шу асосда ҳар бир тадбиркор доимо давлат ҳимоясида эканини амалда ҳис этади.

Ботирбек ТЎРАЗОДА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бинобарин, Абдулҳошим Жуманов Гулистон туманлараро маъмурий судига ариза билан мурожаат қилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ховос туман бўлимининг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш ва бўлим зиммасига юқорида тилга олинган даврларни иш стажи сифатида қўшган ҳолда пенсияни қайта тайинлаш мажбуриятини юклашни сўради.

— Ҳужжатлардан ташқари менинг ушбу муассасада ишлаганимни бирга ишлаган ходимлар, қолаверса, жамият раҳбарлари ҳам тасдиқлаши мумкин, — деди А.Жуманов суд мажлисида.

Дарҳақиқат, меҳнат дафтарчаси ва Ховос туман Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси А.Жумановнинг 2014-2016 йилларда тўлиқ ишлаганлиги ва ойлик иш ҳақи олганини тасдиқлайди. Бироқ Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ховос туман бўлими мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 252-сонли қарори талабларини важ қилиб, унинг мурожаатини асоссиз равишда рад

Қонун барчага баробар

Рад этилган иш стажи

суд қарорига биноан инобатга олинди

этишган.

Айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 81-моддаси ва **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонуннинг 42-моддасига биноан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бироқ Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ховос туман бўлими масъуллари қонун талабига риоя этишмаган. Бундай ҳолатда бўлим ходимларининг пенсия тайинлашни рад қилиш билан боғлиқ хатти-харакатларини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Амалдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига асосан, суд устидан ариза қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Ана шу асосларга таянган суд А.Жумановнинг аризасини қаноатлантириб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ховос туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-харакатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда бўлим зиммасига фуқаронинг 2014 йил 1 мартдан 2016 йил 1 мартга қадар "Нафс Нур Баракот" масъулияти чекланган жамиятда ҳисобчи лавозимида ишлаган даврини қўшган ҳолда пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу тариқа фуқаронинг бузилган ҳуқуқи суд томонидан тикланди.

Алиакбар БЎРИЕВ,
Гулистон туманлараро маъмурий суди судьяси

ҳамкорлар

суд жараёнида оқланди

Аммо дастлабки тергов органи томонидан Жиноят процессуал кодекси ва юқорида қайд этилган Қўшма кўрсатмага риоя қилинмай, А.Абиловнинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатмалари асосий далил сифатида эътироф этилган. Ҳар икки шахснинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби бошқа объектив далиллар билан исботланмаган.

Бундан ташқари Равшан Саидовга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а" банди, 28, 211-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 228-моддаси 3-қисми билан айб эълон қилинган бўлса-да, тергов органи томонидан мазкур жиноятларнинг субъектини аниқлашда ҳам жиддий хатоликка йўл қўйилган. Хусусан, Р.Саидов тадбиркорлик субъекти ҳисобланган "Realtor Garant Business" масъулияти чекланган жамиятида аукциончи бўлиб ишлаган. У ўз ваколатига кўра, мансабдор шахс ҳисобланмаса-да, гўёки давлат органининг мансабдор шахси сифатида ваколатини суиистеъмол қилганликда айбланган. Шунингдек, жиноят иши ҳужжатларида аукцион савдо баённомаси сохталаштирилганини тасдиқловчи экспертиза хулосаси ёки бошқа процессуал ҳужжат мавжуд эмас. Яъни Р.Саидовнинг ушбу баённомага айнан қандай сохта маълумотларни киритганлиги исботланмаган. Аниқроғи, Р.Саидов айнан қайси шахслар билан қандай усулда тил бириктиргани, унинг ушбу жиноий фаолиятдаги ҳаракатлари айнан нимада намоён бўлганлиги дастлабки тергов органи томонидан аниқ ва объектив далиллар билан исботлаб берилмаган.

Яна бир гап. Суд мажлисида иштирок этган давлат айбловчиси А.Абилов ва Р.Саидовга оид жиноят иши бўйича ўтказилган суд муҳокамаси натижасида суд тергови маълумотлари судланувчиларнинг айбсизлигидан далолат беради деган фикрга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шартлиги ва прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра, тугатишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Ана шу асосларга таянган суд Равшан Саидов ва Абдуваҳоб Абиловни айбсиз деб топиб, оқлади. Шу билан бирга, иккала оқланган шахсга мулкий, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш юзасидан Жиноят процессуал кодексининг 304-313-моддалари тартибида фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Шу тариқа қаҳрамонларимиз ноҳақ айбловдан, жиноий жавобгарликдан халос бўлишди. Адолат қарор топиб, нафақат уларнинг ўзи, балки яқинлари, қариндош-уруғларининг ҳам амалдаги қонунларимизга, давлатимиз раҳбарининг инсон қадрини улуғлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига нисбатан ишончи мустаҳкамланди. Энг муҳими, уларнинг элу юрт, қўни-қўшни ва таниш-билишлари ўртасида юзи ёруғ бўлди.

Санжар АБДУҒАНИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси

Жиноят ва жазо

САРОБГА алданганлар

Андижон шаҳрида яшовчи Элдор Нўъмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳозир 40 ёшда, тўрт нафар фарзанднинг отаси. Аммо айни пайтда фарзандларининг боши эгик, ичларига чироқ ёқса, ёришмайди. Нега деганда, ота бўлмиш содир этган фирибгарлиги учун жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2020 йил 22 июндаги ҳукмига мувофиқ Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ҳеч кимга сир эмаски, оилавий ажралиш, фарзандларнинг ота ё она меҳридан мосуво бўлиши ҳар бир жамият учун ўта оғриқли ҳолат ҳисобланади.

Аслида никоҳдан ажралишдан ҳар икки томон бирдек жабр кўради. Бундан ташқари икки ўртада уй-жой билан боғлиқ низолар ҳам келиб чиқади.

Фуқаролик қонунчилиги

Келинга нисбатан ноҳақлик

суд тартибида бартараф этилди

Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги қонунчиликда турар жой эгаси ва собиқ оила аъзолари ўртасида уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи қатъий тартибга солинган. Масалан, уй эгасининг ўғли ва унинг хотини ўртасидаги никоҳ бекор қилинган тақдирда келинни собиқ эрининг уйига кириш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 30-мавзе, 6-уйнинг Н.хонадони 2017 йил 30 августда тасдиқланган ҳадя шартномасига асосан Н.Собировага тегишли. Ушбу уйда оила бошлиғи Э.Собиров турмуш ўртоғи Г.Собирова, қизи Н.Собирова ва ўғли К.Муродов бирга яшаб келишган. Райҳона оиланинг ягона ўғли Келдиёр билан турмуш қуради. Уларнинг никоҳи ФҲДЁ идорасида 2018 йилнинг 28 апрелда расмийлаштирилади.

Ёш оила дастлаб аҳил-иноқ яшашади. 2019 йилнинг 2 майида оилада фарзанд дунёга келади.

Аммо кейинчалик оилада турли хил низолар келиб чиқа бошлайди.

— Шундай жанжаллардан бирида эрим ота-онамни чақиртириб, бирга яшамаслигини айтди ва мени уйдан ҳайдаб чиқарди, — деб ёзади даъвогар Р.Муродова судга берган даъво аризасида. — Ҳозирда ота-онамнинг қарамоғидаман, фарзандим тарбияси билан бандман, ҳеч қаерда ишламайман. Эрим эса, ҳали қонуний никоҳимизни бекор қилмай туриб, шаръий никоҳ асосида бошқа аёлга уйланиб олди.

Даъвогар Р.Муродованинг судда кўрсатма беришича, ўзи келин бўлиб тушган уйга вояга етмаган фарзанди билан бир неча марта борган. Бироқ К.Муродов, Э.Собиров, Г.Собирова ва Н.Собирова уни уйга кириб яшашига имкон беришмаган. Шу боис Р.Муродова судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ҳақиқатан ҳам, унинг низоли хонадонда истиқомат қилгани ишдаги мавжуд ҳужжатлар, тарафлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмаси билан ўз тасдиғини топди. Яна шуниси ҳам аниқ бўлдики, ҳозирги кунда даъвогар фарзанди билан низоли хонадонга кириб яшашига жавобгарлар тўсқинлик қилмоқда.

Суд даъвогар Р.Муродованинг вояга етмаган фарзанди билан низоли хонадонга киритиб қўйиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантирди. Суднинг бундай тўхтамга келишига Уй-жой кодексининг 32-моддаси асос бўлди.

Гап шундаки, кодекснинг ушбу моддасига мувофиқ, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳолат қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хонадонлардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидир. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақли. Оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритиши мумкин.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, мулкдор ўзга шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қилишга ҳақли эмас. Миллий қонунчилигимизга кўра, келин оиланинг собиқ аъзоси сифатида оилавий муносабатлар бузилгунга қадар ўзи яшаган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу боис суд Р.Муродованинг даъво талабини қаноатлантирди.

Одил ЭГАМБЕРДИЕВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

◀ **(Бошланиши 3-бетда)**

Жиноят ва жазо

Саробга алданганлар

Энг ачинарлиси, Э.Нўъмонов жазо муддатини ўтаётган маҳали муқаддам, яъни 2018-2019 йилларда содир этган яна бир фирибгарлиги фош этилди.

Гап шундаки, 2018 йилнинг январь ойида андижонлик Р.Ашуралиевнинг ўғли Солижон кўчадан шундай гап топиб келди: шаҳардаги "HISTORICAL TRAVEL" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хусусий бандлик агентлиги фуқароларни чет давлатларга ишлаш учун юбораётган экан. Эртаси куни ота-ўғил ҳам ушбу агентлик раҳбари Элдор Нўъмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган)га учрашишди.

— Ҳа, тўғри эшитибсизлар. Ҳақиқатдан ҳам, фуқароларни турли хорижий давлатларга ишга юборяпмиз, — деди Э. Нўъмонов ота-ўғилга.

— Ўғлим Корея давлатига бориш ниятида эди. Шунга ёрдам сўраб келгандик, — деди Р.Ашуралиев.

— Албатта, ёрдам берамиз. Шу пайтгача бир неча кишини жўнатдик. Ўғлингизни ҳам узоғи билан олти ой ичида Кореяга жўнаб кетади. Фақат бунинг учун олдиндан муайян миқдорда тўловни амалга оширасиз, фуқаролик паспортидан нусха ҳам берасиз, — деб тушунтиради хусусий бандлик агентлиги раҳбари. Сўнг у яна қўшиб қўйди: — Сиз тўлаган пул эвазига биз виза расмийлаштирамиз. Бундан ташқари ўғлингизни ҳеч қандай муаммосиз суҳбатдан ҳам ўтказамиз.

Ота-ўғил бу умидбахш гапларни эшитиб, кайфияти бирдан кўтарилиб кетди. Бинобарин, улар 2018 йил 8 январь куни 41.550.000 сўм нақд пулни Э.Нўъмоновнинг қўлига тутқазишди.

— Шошмай туринг, бирйўла шартномани ҳам имзолаб кетасиз, — деди Э.Нўъмонов отасидан бир қадам орқароқда турган Солижонга.

Дарҳақиқат, ўша куни хусусий агентлик билан мижоз ўртасида шартнома ҳам тузилади. Шартномада хусусий бандлик агентлиги С.Орифжонни Жанубий Кореяга ишга юбора олмаса, тўланган маблағни қайтариши ҳам ўз ифодасини топади.

Қисқаси, шартнома имзолангач, ота-ўғилнинг кўнгли янада хотиржам тортади.

Аммо орадан 6 ой ўтса-да, Солижон Жанубий Кореяга ишлашга жўнаб кетолмайди. Элдор Нўъмонов эса, турли баҳоналарни рўкач қилиб, ота-болани алдашдан чарчамайди. Бунинг устига у шартномада белгиланганидек, уларнинг пулини ҳам қайтармайди. Охир-оқибат ота-ўғил алданганларини англаб етишади.

Буёғини сўрасангиз, Р.Ашуралиев юзлаб жабрланувчилардан бири холос. Ҳа, шундай, Элдор Нўъмонов — 2018-2019 йилларда 79 нафар фуқарони Жанубий Кореяга, 11 нафарини Германияга, 6 нафарини Чехияга, бир нафарини Руминияга, 2 нафарини Венгрияга ва 4 нафарини Литва-Латвия давлатларига ишлаш учун юборишга ваъда бериб, алдаган. Уларнинг ҳар биридан 1000 АҚШ долларидан 5000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда хорижий валюта ёки нақд пулни санаб олган. Охир-оқибат эса, у ваъдасининг устидан чиқмагани етмагандек, олган маблағларни ҳам қайтариб бермаган. Жанубий Кореяга бориб ишлаш ниятидаги аксарият жабрланувчиларга корейс тилидан имтиҳондан ўта олишмаганини рўкач қилиб, ўз айбини хаспўшлаган. Э. Нўъмонов 2018 йил ноябрь ойида "HISTORICAL TRAVEL" масъулияти чекланган жамиятини "ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ HISTORICAL TRAVEL" масъулияти чекланган жамияти шаклида қайта ташкил қилган. Сўнг "Telegram" ижтимоий тармоғи орқали "ХБА HISTORICAL TRAVEL" номи билан янги саҳифа очиб, фуқароларни жалб қилган.

Энг ёмони, нафс йўлида ҳар қандай ғараз ниятдан қайтмайдиган "қаҳрамон"имиз 2019 йилда муқаддас ҳаж ва умра зиёратига бориш ниятида юрган 10 нафар фуқарони чув туширишдан тап тортмаган. Масалан, Ботирбек Акрамов ўзи ва онаси Латифахон Ходжимирзаеванинг ҳаж зиёрати учун 15.500 АҚШ доллари, фуқаро Ҳалимжон Атабаев эса, турмуш ўртоғи Сожида Топилдиева билан бирга ҳажга бориш мақсадида 63.750.000 сўмни Э.Нўъмоновга беришади. Бироқ уларнинг орзуси орзулигича қолиб кетади.

Шундан сўнг жабрланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилиб, фирибгарга қонуний чора кўришни сўрашади. Оқибатда унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Тергов жараёнида айбдорнинг 113 нафар фуқарони 3,7 миллиард сўмга чув туширгани аниқланади. Шунга қарамай, Элдор Нўъмонов галдаги фирибгарликка қўл уради. Аниқроғи, у ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилгандан сўнг — 2019 йил декабрь ойида "ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ HISTORICAL TRAVEL" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондида шакллантирилган 50.000 АҚШ долларини ўзининг улуши эканини, жамияти билан боғлиқ бирон-бир муаммоси йўқлигини айтиб, жамиятни Дилмурод Раҳмоновга 50.000 АҚШ долларига сотиб юборади. Д.Раҳмонов эса, унинг фирибгарлигидан тергов органи томонидан сўроққа чақиртирилганда, қолаверса, 50.000 АҚШ долларига нисбатан банд солинганидан сўнг хабар топади.

Албатта, ҳаётда ҳеч қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Шу маънода айтганда, Э.Нўъмоновнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судида кўриб чиқилди. Суд уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбдор деб топиб, муқаддам тайинланган жазо муддатини ҳам қўшган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Қолаверса, тергов органи томонидан ҳатланган 50.000 АҚШ доллари ҳам жабрланувчиларга тенг тақсимланди. Шу боис суд ҳукмида айбдордан жабрланувчиларга етказилган қолган зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Бу дунёда нопок қилмиш ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Ҳалол меҳнат ортидан яшаш ўрнига осон бойиш мақсадида жиноий йўлга қадам босгани Э.Нўъмоновга жуда қимматга тушди. Бошқача айтганда, у ўзи қазиган чоҳга ўзи тушди. Бу воқеа тафсилоти фирибгарликка мойил кимсалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Муҳайёхон ТУРДИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани суди раиси

Самарқанд заминида дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар жуда кўп. Шулардан бири Хожа Дониёр (Дониёл) мақбарасидир. Халқ орасида бу зиёратгоҳ ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар юради. Биз шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтишни ният қилдик.

Тарих тилсимлари

кирмаган энг узун қабр

Хожа Дониёр ким бўлган?

Ушбу мақбара қадимий Афросиёб тепаликларининг шимолий қисмида жойлашган. Бу маскан ҳамиша сайёҳлар билан гавжум.

Ҳазрати Дониёр ҳақида турли диний манбаларда кўпгина маълумотлар сақланиб қолган. Гарчи Қуръони каримда унинг номи зикр этилмаган бўлса-да, бошқа исломий адабиётларда пайғамбарлар қаторида тилга олинади.

Ҳазрати Дониёр Сулаймон (а.с.) авлодларидан бўлиб, эрамиздан аввалги 603 йилда туғилган. Эрамиздан аввалги 586 йилда Бобил ҳукмдори Навухудоносор ҳозирги Қуддус ҳудудини забт этиб, кўп одамлар қатори 16 ёшли Дониёрни ҳам Бобилга олиб кетади. Ҳазрати Дониёр ўзининг гўзал ахлоқи ва покиза эътиқоди билан бобилликлар, ҳатто ҳукмдорнинг ҳам эътибори ва эҳтиромини қозонади.

Ривоятларга кўра, у тушларни тўғри таъбир қила олар, қадимий, сирли битикларни ўқиб, унинг мазмунини ҳам бехато шарҳлаб берарди. Шу боис подшоҳнинг унга нисбатан эътимоди, ҳурмати янада ортади. Бу эса, ҳасадгўй кимсаларга ёқмайди ва улар Дониёрга қарши фитна уюштирадилар. Подшоҳ фитначиларнинг иғвосига учиб, Дониёрни оч шерлар ётган чоҳга ташлашни буюради.

Шунда Яратганнинг қудрати билан шерлар уни ғажиб ташлаш ўрнига, оёғига бош қўйиб, итоат этадилар. Буни кўрган подшоҳ Дониёрнинг айбсиз эканлигига ишонади ва уни чоҳдан чиқариб олади. Ўрнига унга туҳмат қилган ғанимларни шерлар олдига ташлайди. Табиийки, шерлар фитначиларни тилка-пора қилиб ташлайди.

Сандиқ ичидаги жасад

Ҳазрати Дониёр жуда кўп мўъжизалари билан инсонларни ҳайратга солган. У Бобил салтанатининг келажагини аниқ ва тўғри каромат қила олган.

Бобил салтанатига форслар томонидан барҳам берилгач, Ҳазрати Дониёрни Эронга Доро ҳузурига чақиришади. У узоқ йиллар Доро ва Кирнинг саройида маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатган. У жуда узоқ умр кўрган. Эрамиздан олдинги 531 йилда вафот этади ва қадимги Суза — ҳозирги Эрон ҳудудидаги Шустар (Шуш) шаҳрида дафн этилади.

Аббосийлар даври тарихчиси Аҳмад ал-Балозурийнинг ёзишича, Умар ибн Ҳаттоб (р.а.) халифалиги даврида Суза шаҳри фатҳ этилади. Машҳур саркарда ва олим Абу Мусо ал-Ашъарий бошчилигидаги қўшин Суза шаҳридаги бутун хазинани қўлга киритади. Барча олтину жавоҳирлар уч юзта сандиққа жойланади. Фақат биргина сандиқни хазинабонлар беришни истамай кўзёш тўкишади ва унда Ҳазрати Дониёрнинг жасади борлигини айтишади.

Сандиқни очиб кўришса, унда яқиндаги жон танасини тарк этган жасадни кўришади. Ҳолбуки, бу пайтга келиб Ҳазрати Дониёрнинг вафотига ўн икки аср бўлганди. Абу Мусо ал-Ашъарий дарҳол халифага мактуб йўллаб, бу сирли ҳодисани баён қилади. Ҳазрати Умар аҳоли ўртасида фитна чиқишини истамагани учун жасадни иззат-икром билан яширинча дафн этишни буюради. Бошқа бир ривоятга кўра, Ҳазрати Дониёр халифанинг амри билан Фирот дарёси қирғоғида дафн этилган.

Ҳазрати Дониёр — Самарқандда

Бугунги кунда дунёда Ҳазрати Дониёрга нисбат бериладиган бир қанча зиёратгоҳлар мавжуд. Айни пайтда Эроннинг Ҳузистон вилояти Шустар шаҳрида ҳам Ҳазрати Дониёр мақбараси сақланиб қолган.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, Ҳазрати Дониёрнинг жасади қандай қилиб Самарқандга келиб қолган?

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур 1397-1404 йилларда Кичик Осиёга юриш қилади ва Шустар шаҳрини ўн саккиз кун қамал қилади. Қамал пайтида Ҳазрати Дониёр мақбараси унинг эътиборини тортади. Соҳибқиронга ушбу мақбара қайси юртда бўлса, шу юртдан файз-барака аримаслигини айтишади. Шунда Соҳибқирон Ҳазрати Дониёр хокини ўз салтанатининг пойтахти — Самарқандга олиб кетишга аҳд қилади.

Яна бир афсонага кўра, Ҳазрати Дониёр хокини отга ортиб олиб келишаётган пайтда от ҳозирги мақбара ўрнига етганида, таққа тўхтаб қолган. Отнинг туёқлари остидан эса, булоқ отилиб чиққан.

Шунда Соҳибқирон Амир Темур Ҳазрати Дониёр хокини айнан шу ерда дафн этишни амр қилган, дейишади. Отнинг туёқларидан чиққан булоқ бугунгача сақланиб қолган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, булоқнинг суви жуда кўплаб касталикларга шифо экан.

Бугун мақбарани зиёрат қилиш учун келганлар қабрнинг ҳаддан ташқари узунлигидан ҳайратга тушадилар. Айни пайтда унинг узунлиги 18 метрни ташкил қилади. Айтишларича, Ҳазрати Дониёр хоки дафн этилганидан сўнг қабр ўз-ўзидан чўзила бошлаган. Кейинчалик ушбу қабр устида мақбара бунёд этилган. Маълумотларга кўра, дунёнинг ҳеч бир нуқтасида бу қадар узун қабр учрамайди.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4464
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{30}. Топширилди: 22^{30}.